

## ФАРҒОНА БОТИҚЛИГИНИНГ ЖАНУБИ-ШАРҚИЙ ҚИСМИНИНГ БЎР ДАВРИ ЁТҚИЗИҚЛАРИНИ ГЕОЛОГИК ТУЗИЛИШИ

**Панжиев Ҳикмат Аҳадиллаевич**

Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти

E-mail: [hikmat.panjiyev02@mail.ru](mailto:hikmat.panjiyev02@mail.ru)

**Аннотация:** Мақолада Фарғона ботиқлигининг жануби-шарқий қисмининг геологик тузилиши ёритилган. Фарғона ботиқлигининг жануби-шарқий қисмларида –юра, бўр, палеоген, неоген ва тўртламчи давр ётқизиклари шаклланган. Фарғона ботиқлигининг палеонтологик жихатдан яхши ўрганилган ва майдонда фауна флора қолдиқлари аниқланган.

**Калит сўзлар:** Фарғона ботиқлиги, палеозой, платформа, юра, бўр, свети, ярус, эйфел, живут, антиклинал, синклинал.

**Abstract:** The article describes the geological structure of the southeastern part of the Fergana basin. Jurassic, Cretaceous, Paleogene, Neogene and Quaternary deposits were formed in the southwestern parts of the Fergana basin. The Fergana basin has been well studied from the paleontological point of view, and fauna and flora remains have been identified in the area.

**Keywords:** Fergana depression, Paleozoic, platform, Jurassic, Cretaceous, sveti, layer, Eifel, Jivut, anticlinal, synclinal.

Худуднинг геологик тузилишида геосинклинал, эпигеосинклинал, платформа ва кечки платформа ороген намоёндалар иштирок этади. Геосинклинал комплекс (палеозой) қуйи; эпигеосинклинал (перм-триас) эса оралик; платформали ва кечки платформалилар (мезо-кайнозой) юқори тузилмавий қаватлардан (қоплама) иборат.

**Юра даври ётқизиқлари.** Ушбу давр ётқизиқлари континентал қум-гилли жинслардан иборат. Кесимнинг қуйи қисми (қуйи юра) учун орасида кўмир кузатиладиган қумтош, гил ва алевролит қатламлари мансуб ҳисобланади.

Ўрта юра бўлими ётқизиқлари кўмир формацияли, такрорланувчи қатламлар билан мураккаблашган гравелит, қумтош, алевролит, гил, аргиллит ётқизиқларидан иборат. Улар орасида кўмир қавати кузатилади.

Юқори юра ётқизиқлари ҳудуднинг барча қисмида кузатилади. Улар ранг-баранг ва қизил рангли алевролит-гилли жинслардан иборат. Ажратилган XXIII горизонт майдон бўйлаб (Хўжаобод, Шўрқақир майдонларида кузатилади) кенг кўламда тарқалмаган. Юқори юра ётқизиқларининг қалинлиги 100 м дан ошмайди.

**Бўр даври ётқизиқлари.** Ушбу давр ётқизиқлари асосан континентал (куруқлик) ва денгиз шароитида ҳосил бўлиб тўпланган. Бўр даври ётқизиқларининг кесими қуйи неоком-апт (муян свитаси), альб (лякон, қизилпилял свиталари), юқори – сеноман (калачин свитаси), қуйи турон (устрич свитаси), юқори турон (яловоч свитаси), сенон (ранг-баранг свита) ярусларига бўлинади.

Муян свитаси ётқизиқлари бурчакли номувофиқ ҳолатда юра ётқизиқлари устида ётади. У қизил рангли қумтош, гил, алевролитлардан иборат. Улар бир биридан 50 м гача бўлган қалинликдаги гил қатламлари билан ажралиб туради. Свитанинг умумий қалинлиги ғарбдан шарқ томонга қараб 30 м дан 300 м гача ортиб боради.

Ҳудуднинг жанубий қисмида льякан свитаси пушти ва қулранг оҳактошлардан иборат. Улар қатламли, массив (уюмли), орасида сув ўтлари мавжуд.

Ҳудуднинг шарқий қисмида оҳактошлар доимо қизил рангли терриген ётқизиқлари билан алмашинади. Улар орасида кичик қалинликдаги оҳактошлар ва мовий-яшил рангдаги юпқа қатламли қумтошлар кузатилади. Свитанинг қалинлиги 25 м дан 175 м гача ўзгаради.

Саноат номенклатурасида льякан свитаси XVIII маҳсулдор горизонт сифатида ажратилган. Ушбу свитанинг саноатли маҳсулдорлиги, Ғарбий Полвонтош (нефт), Ходжаосмон (нефт), Жанубий Оламушук (нефт), Хонқиз (газ-конденсат), Шимолий Риштон (газ) майдонларида қайд қилинган.

Қизилпилял свитаси майда бўлакли қизил рангли жинслар, оҳактошли гиллар, кумтошлар ва қуйида ётувчи оҳактош ва доломитлар билан мураккабланишган.

Фарғона ботиклиги Жануби-шарқий қисмида ушбу свита катта (50 Ом·м) ва кичик (10 Ом·м) қаршиликли қатламларнинг такрорланиши билан характерланади.

Свитанинг қалинлиги ғарбдан (20-40м) шарқ томонга (100-200м) қараб ортиб боради. Бу ерда кумтошлар коллектор ҳисобланади ва уларнинг қалинлиги Бостон майдонида 97м ни ташкил қилади. Уларнинг ғоваклиги ўртача (7-15%) ва юқори (>15%) қийматларга (асосан қуйи қисмда) эгаллиги билан характерланади.

Андижон тузилмалар гуруҳида калачи (калачинская) свитаси орасида қўнғир-қизил рангли гил ва алевролит қатламчалари бўлган дағал бўлакли кумтошлардан иборат.

Устрич свитаси қизил, кулранг ва қўнғир гил, кумтошли чиғаноқ-оҳактош қатламларининг такрорланиши билан мураккабланишган. Свитанинг қалинлиги ғарб томонда 18м ва шарқ томонда 110м гача етади.

Яловач свитаси асосан қизил рангли кумтошлардан иборат бўлиб, айрим ҳолларда улар орасида кулранг кумтошлар, кумтошли оҳактошлар қатламчалари ҳам кузатилиб туради. Кесим нисбатан кичик қаршиликли (10-20 Ом·м) хусусиятлари билан характерланади. Ушбу свитада 2 та маҳсулдор қатлам ажратилади: XV, XVa. Уларнинг саноатли маҳсулдорлиги Сарикамиш ва Шимолий Сох майдонларида аниқланган.

**Палеоген ётқизиқлари.** Умумий ҳолда олганда Фарғона ботиклигида палеоген даври ётқизиқлари бухоро, сузак, олой, туркистон, хонабод, исфара, риштон ва сумсар қатламларига бўлинади.

Бухоро қатлами кенг миқёсда тарқалган бўлиб, бўр даври ётқизиқлари устига стратиграфик бурчак остида номувофик ҳолатда ётади.

Сузак қатлами (қуйи эоцен). Қатлам яшил ва қизил рангли гил, гипслар билан мураккаблашган. Улар орасида кичик қалинликдаги оҳактош, мергел ва гилли кумтошлар кузатилади. Сузак қатламининг умумий қалинлиги ғарбда 17-18 м ва шарқда 65-74 м га (Андижон, Ғарбий Полвонтош) етади.

Олой қатлами (ўрта эоцен) орасида яшил гиллар қатламчаси бўлган оҳактош ва мергеллардан иборат.

Туркистон қатлами (юқори эоцен) литологик таркиби бўйича яққол ажратилади. Таркиби бўйича қатлам орасида юпка чиғаноқ қатламчалари бўлган тўқ-яшил гиллардан иборат.

Унинг қуйи қисми чиғаноқ-оҳактошлардан ва юқори қисми ангидрит ҳамда дорломитлардан иборат. Оҳактошлар ҳудудда таянч қайтарувчи горизонт ҳисобланади. Кесимда 25-30 м қалинликдаги яшил гиллар кузатилади.

Риштон-Исфара-Хонабод қатламлари (юқори эоцен) яшил гиллардан иборат ва улар орасида анчагина органик қолдиқлар кузатилади.

Сумсар қатлами (қуйи олигоцен) қуйидаги ётқизиқлар устида номувофик ҳолатда ётади ва улар малина рангидаги гил ҳамда алевролитлардан иборат. Сумсар қатлами юзасидаги кварцли кумтошлар қатламида ҳудуд ғарбида II ва ҳудуд шарқида (Андижон тузилмалар гуруҳида) III қатламлар ажратилади.

**Неоген даври ётқизиқлари.** Бу даври ётқизиқлари кайнозой эраси қатламларида кенг миқёсда катта қалинликда тарқалган. Улар таркиби ўзгарувчан ва уларда фауна қолдиқлари деярли кузатилмайди. Бу эса уларни стратиграфик бўлишда ўзига хос қийинчиликлар туғдиради. Неоген даври ётқизиқларида массагет ва бактрия яруслари ҳамда сох свитаси ажратилади.

**Тўртламчи давр.** Бу давр ётқизиқлари бактрия яруси қатламлари устини қоплаб ётади ва улар тошкент, мирзачўл, сирдарё комплекси ётқизиқларидан иборат. Сирдарё комплексининг қалинлиги 500 м гача кузатилади ва улар литологик таркиби бўйича соз тупроқ ҳамда кумли жинслардан иборат.



**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. С.А. Каримова: “Отчет о поисковых и поисково-детальных сейсморазведочных работах МОГТ-2Д в пределах Южной ступени и в Южном переходном поясе Ферганской впадины”, выполненных в 2006-2009 г.г. Западно-Палванташская с/п № 07/06-09. Коканд, Фонды ФГЭ, 2009г.

2. С.А. Каримова: “Отчет о поисковых и детальных сейсморазведочных работах МОГТ-2Д в пределах Южного и Северного бортов Ферганской впадины”, выполненных в 2005-2008 г.г. Варыкская с/п № 17/05-08. Коканд, Фонды ФГЭ, 2008г.

3. М.С. Абдуллаев: “Отчет о поисковых и детальных сейсморазведочных работах МОГТ-2Д в Южной части Центрального грабена и на Южном борту Ферганской впадины”, выполненных в 2004-2007 г.г. Ханкызская с/п № 16/04-07. Коканд, Фонды ФГЭ, 2007г.

